

ШАХС ИМИЖИ

- *Одамлар сиз ҳақингизда қандай тасаввурда бўлишини хоҳлайсиз?*
- *Орзуларингиз ҳақиқатга айланиши учун нималар қилиш керак?*
- *Сухбатдошнинг ҳурматини қандай қозониш мумкин?*
- *Одамлар тасаввуридаги қиёфангизни кўзгуда кўрганмисиз?*
- *Ўзгаларга таъсир ўтказишнинг қандай усуллари бор?*
- *Кўзлаган мақсадингизга қандай эришмоқчисиз?*
- *Жамоада ҳурмат қозонишни истайсизми?*
- *Қандай кийиниш ва қандай кўриниш керак?*
- *Раҳбар бўлишга иштиёқингиз борми?*
- *Карьера қилишга тобингиз қандай?*

Китоб ушбу саволларингизга жавоб беради

УЎК: 395

КБК: 87.774

Б – 79

Бобожонов, Фарҳод

Шахс имижи. / Ф.Бобожонов. Масъул муҳаррир Ой-
ниса Мусурмонова. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2017.
– 112 б.

ISBN 978-9943-20-335-8

Мазкур рисола ўз қиёфасига бошқалар нигоҳи билан қарашни хоҳлаган ва имиж яратиш истагида бўлган барча китобхонларга мўлжалланган. Имиж инсонни жамиятга тақдим этадиган ва ўзгаларга таъсир ўтказишга хизмат қиладиган восита – таъсир технологиясидир. Сиз уни аслингизга мос, гўзалликка монанд бир тарзда шакллантира олсангиз, ҳар қандай мақсадга эришишда имижингиздан самарали фойдаланиш имконига эга бўласиз. Чунки одамлар аслиятингизга қараб эмас, улар тасавурида яратган қиёфангизга қараб сизга баҳо беришади.

Китоб мавзуга доир хорижий ва миллий манбаларга асосланган ҳамда кузатишларимизга таянган ҳолда яратилди. Энг муҳими, ҳар бир сўз юракдан ўтказилиб қоғозга туширилди. Ўйлаймизки, қалбдан чиққан гаплар кўнгилга етиб боради.

УЎК: 395

КБК: 87.774

Масъул муҳаррир:

Ойниса МУСУРМОНОВА, п.ф.д., проф.

Тақризчилар:

Илҳом КАЗАКОВ, фил.фан. номзоди
Қувондиқ ҚОДИРОВ, фил.фан. номзоди

ISBN 978-9943-20-335-8

© Фарҳод Бобожонов, «Шахс имижи». «Янги аср авлоди»,
2017 йил.

ТАНИШУВ

Аслинг каби кўрин ёки кўринганинг каби бўл!

Жалолиддин Румий

Хайрият, мазкур китобни қўлингизга олиб, ушбу сатрларни ўқий бошлашга ўзингизда журъат топа олдингиз. Сизни табриклайман! Агарда ўқиш иштиёқи бўлмаса, ўзингизни мажбурламанг, қийнаманг. Чунки зўрлик билан амалга оширилган тадбир ҳеч қачон самарали натижа бермайди. Шунингдек, истакка қарши иш қилиш орқали ҳам ҳеч нарсага эришиб бўлмайди. Мутолаага хоҳишингиз бўлмаса, яхшиси, китобни бошқа бировга совға қилинг. Ахир китоб зиёлилар учун энг зўр ҳадя-ку, зора кимдир ундан фойда кўрса! Ҳалиям ўқишда давом этаётган бўлсангиз, ўйлайманки, суҳбатимизнинг охиригача бирга бўлиш қўлингиздан келади.

Ассалому алайкум, қадрдон китобхоним! Қўлингиздаги рисола бошингизни қотирадиган, илмийликка йўғрилган, баландпарвоз шиорларга асосланган, мажбурлаб ўқиладиган китоб эмас. Шунчаки дилдан суҳбат, маслаҳат, қиёфангизга тутилган кўзгудир. Балки сиз раҳбардирсиз, балки оддий ходим ёки ёш ўспирин, сиз билан тил топишишга қўлимдан келганча ҳаракат қиламан. Агар талаба бўлсангиз, янада яхши, чунки сизнинг барча имкониятларингиз ҳали олдинда, сиз ўрганиш давридасиз.

Ким бўлишингиздан қатъи назар, ўзингизнинг ташқи кўринишингизни ҳар куни кўзгуда кўриб тургандай, бошқалар тасавуридаги қиёфангизга ҳам назар ташлаб қўйсангиз, фойдадан холи бўлмайди. Бу қиёфа ёки бошқача қилиб айтганда, атрофин-

гиздаги одамларнинг сиз ҳақингиздаги тасаввурлари йиғиндиси, таассуротлари жамланмаси сизнинг имижингиздир. Жамиятда ўзингизга хос имижга эга эмас экансиз, ҳаётда жаноб «ҳеч ким»¹ сиз!

Ҳеч ўйлаб кўрганмисиз, имкониятларингизни бошқалар биладими? Балки мансабингиз ошса, ваколатларингиз кенгайса, катта ишларни амалга оширишингиз мумкиндир. Сизга раҳбарлар эътибор беришмаётгани, лавозимингизда «ўсиш» бўлмаётгани – бу омадсизликми ёки лаёқатсизлик? Йўқ, асло ундай эмас! Бунинг сабаби битта – сиз ўзингизга мос имиж ярата олмагансиз. Ўзингиз ҳақингизда бошқаларда етарлича тасаввур ҳосил қилмагансиз, таассуротлар шакллантирмагансиз.

Одатда, ҳар қандай маданиятли инсон уйдан чиқаётганда, хоҳ у ишга бўлсин, хоҳ бирор тadbирга, кўзгуга қараб, ўзига пардоз беради. Сиз ҳам шундай қилишингиз табиий. Тўғри, бирор жойга борганда, уялиб қолмаслик учун тузукроқ кийиниш керак ахир. Ташқи қиёфангиз сиз ҳақингиздаги дастлабки таассуротларни шакллантиришини яхши биасиз. Бироқ бошқалар тасавуридаги қиёфангиз-чи? Унга ҳам аҳамият берасизми? Уни ҳам кўзгуга соласизми? Унинг кўзгуси қаерда ва қандай? Очиғини айтганда, кўпчилик бу саволларга жавоб бериш у ёқда турсин, уларни ҳаёлларига ҳам келтиришмайди. Ваҳоланки, сиз муомалага киришадиган одамлар учун ташқи кўринишингиздан кўра, уларнинг тасавурида шакллантирган қиёфангиз кўпроқ аҳамият касб этади...

Биз ким билан ва нима мақсадда кўришмоқчи эканимизни ўйлаймиз-у, учрашадиган ҳамкоримизнинг биз ҳақимиздаги тасаввурлари қандай эканлигига камдан-кам ҳолларда эътибор қаратамиз. Агарда суҳбатдошингиз тасавурида ўзингиз ҳақингизда ижобий таассурот қолдирган бўлсангиз ёки шундай тасаввурлар шакллантира олсангиз, албатта, му-

¹ «Нотаниш ва номаълум, ўткинчи, ҳеч ким эътибор бермайдиган, писанд қилмайдиган одам» маъносида.

лоқотдан кўзланган мақсадингизга деярли эришган ҳисобланасиз. Чунки яхши таассурот уйғотиш ижобий муносабатнинг туғилишига олиб келади.

Айталик, сиз раҳбар олдига бирор ёрдам сўраб кирмоқчисиз. Илтимосингиз инобатга олиниши ёки рад қилинишини олдиндан тасаввур қила оласизми? Аввало, раҳбарнинг сизга бўлган муносабати қандай? Нима учун у илтимосингизни бажариши керак? Бундан унга нима наф? Йўқ, асло. Биз пора бериш ёки совға-салом ҳадя қилишни назарда тутмаяпмиз. Сизга раҳбар мукофот берса, лавозимингизни оширса ёки қандайдир масалада ён босса, фикрларингизни маъқулласа, бунга жамоа қандай муносабатда бўлади, ўзи-чи? Сиз бунга лойиқмисиз? Кўпроқ шу саволларни раҳбар наздида муҳокама қилиб кўриш керак. Илтимосингиз рад этилмаслиги учун сиз ҳақингиздаги раҳбар тасаввурлари муҳим аҳамият касб этади. Тасаввурларни эса имиж шакллантиради.

Баъзилар имиж яратиш фақат санъаткорлар, спортчилар, сиёсатчилар ва раҳбарлар учун зарур, оддий инсонлар имиж ҳақида қайғуриши шарт эмас, деб ҳисоблашади. Тўғри, ташқи қиёфа орқали оммада ижобий тасаввурларни шакллантириш юқоридаги тоифалар учун жуда муҳим. Бироқ яхши таассурот қолдириш (*имиж яратиш*) истаги ҳаммада ҳам мавжуд. Сиз қайси касб эгаси бўлишингиздан қатъи назар (*ўқитувчи, шифокор, муҳандис, савдогар, тадбиркор, сартарош, этикдўз ва ҳ.к.*), касбингиз тақозосига кўра одамлар билан муносабатга киришишга эҳтиёж туғилади. Бошқаларнинг сизга бўлган муносабати эса, биринчи навбатда, имижингизга қараб белгиланади.

Афсуски, кўпчилик ўз имижининг қандайлигидан мутлақо беҳабар, яъни бошқаларнинг у тўғридаги тасаввурлари ва таассуротларини билишмайди, ҳатто қизиқишмайди ҳам. Тор доирада фикрловчилар ҳамма мени ўзимдек билади, деб ўйлашади. Баъзилар эса «ичимдагини ўзинг топ» қабалида иш тутади.

Гап шундаки, инсоннинг ўзлиги (*аслияти*) ва имижи (*у ҳақидаги тасаввурлар*) доимо бир-бирига мос келавермайди. Шахс ҳақидаги тасаввурлар баъзан унинг аслига мос бўлса, баъзан аслининг тескариси бўлиши ҳам мумкин. Сиз баъзан билиб, баъзан билмай ташқи кўринишингиз, хатти-ҳаракатларингиз, характерингиз, хулқингиз, муомалангиз орқали ўзингиз ҳақингиздаги таассуротларни шакллантириб бораверасиз. Ҳеч ким бошқаларнинг ўзи ҳақида ёмон тасаввурда бўлишини истамайди. Шундай экан, жамиятнинг ҳар қандай аъзоси ўзини «яхши инсон» сифатида тақдим этишга ҳаракат қилади.

Модомики, шундай экан, имиж яратиш борасида тегишли билимларга эга бўлиш фойдадан холи бўлмайди, деб ўйлаймиз. Ҳар ҳолда, билмай қилинган ишдан билиб қилинган иш яхшироқ натижа берса керак!

Лавозимингиз ошишини хоҳлайсизми? Раҳбарлар сизни қадрлашини-чи? Ҳамманинг ҳурматини қозониш сизга ёқадими? Севган инсонингизнинг эътиборини жалб қилишни наҳотки истамасангиз? Балки карьера қилиш ниятидадирсиз? МАРҲАМАТ! Ўзингизга мос ИМИЖ яратинг, барчасига эришасиз! Сизнинг имижингиз омад калити, муваффақият гаровидир.

Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг, одамлар сизнинг қандай инсон эканингизга эмас, улар тасаввурида қандай қиёфа яратишингизга қараб баҳо беришадди. Сиз ақлли, виждонли, иродали, маданиятли бўлишингиз мумкин, лекин шундайлигингизни бошқаларга намойиш қила олмасангиз, буни ҳеч ким ҳеч қачон билмайди! Оддий, нотаниш ва номаълум одам бўлиб қолаверасиз. Сиз бошқалар тасаввурида қандайдир қиёфа ярата олсангизгина, ўзлингиз сураги – имижингизни ҳам шакллантирасиз.

Шуни ҳам унутмангки, ҳамманинг тасаввурида бир хил таассурот қолдириш мутлақо мумкин эмас. Чунки одамлар фақат ўзига бўлган муносабатга қараб сизни баҳолайди.

Атрофингиздагилар сизга фақат имижингизга қараб муносабатда бўлишади. Образли қилиб айтсак, инсоннинг **ўзлиги** ва **имижи** гўёки унинг **сийрати** ва **сурати** кабидир. Сийратнинг гўзаллиги суратда намоён бўлмаса, ҳеч ким ундан баҳра ололмайди. Шу боис, аввало, сийрат гўзаллигига эришиш, яъни яхши хулққа эга бўлиш ва бу фазилатни суратга олиб чиқиш мақсадга мувофиқ. Сурат асли сийратдан қувват олади, уни акс эттиради.

Гап шундаки, баъзан ўзингиз билмаган ҳолда одамларда ёмон таассурот қолдириш ҳолатлари ҳам учрайди. Ўринсиз ҳазил, гапга ёлғон аралаштириш, ўзгалар кўнглини қолдириш, ваъдани унутиш каби хатти-ҳаракатлар бунга сабаб бўлади. Муносабат, мулоқот ёки ташқи кўринишдаги кичик бир хато сиз ҳақингиздаги дастлабки салбий таассуротларни – имижнинг биринчи босқичини шакллантириб улгуради. Кейинчалик уни ўзгартириш сизга анча қimmatга тушиши мумкин. Шу боис ҳар қандай муҳитда, айниқса, нотаниш даврада жуда эҳтиёткор бўлиш тавсия этилади. Арзимасдек туюлган хатти-ҳаракатингиз бутун карьерангизга таъсир қилиши мумкинлигини эсдан чиқарманг. Баъзан биргина ёлғон гапингиз ёки ваъдангизни бузишингиз ҳаётдаги яқин одамингиз ёки ҳамкорингиздан бутунлай ажралишга сабабчи бўлиши мумкин. Шундай нозиктаъб инсонлар ҳам борки, улар олдида йўл қўйилган битта хатони умр бўйи тузатишга имкон бўлмайди.

Доим ижобий имиж яратишга интилиш ҳар бир инсонга хос хусусият. Бироқ яратган имижингиз аслиятингизга мос бўлмаса, албатта, бир кун ниқоблар олиниб, ҳақиқий қиёфа очилиб қолишига ҳеч қандай шубҳа йўқ.

Афсуски, баъзи устумон фирибгарлар имиж яратишда худбинлик йўлидан фойдаланиб, бадрўй ички қиёфасини ялтироқ ниқоб билан намоёйиш этишади. Содда одамларнинг ишончини қозонишади, уларни чув тушириб, ғаразли мақсадларини амалга ошири-

шади. Инсон аслияти у ҳақидаги тасаввурларга доим ҳам мос келмаслигини баъзан жуда кеч англаймиз.

Шунингдек, имиж яратиш бир қарашда лаганбардорликка ҳам ўхшаб кетгандек туюлади. Аслида, мутлақо ундай эмас. Лаганбардор ўзини ерга уриб бўлса ҳам, раҳбарлар назарида, иши тушган одамлар нигоҳида обрў қозонишга, уларга содиқ кўринишга ҳаракат қилади. Унда ғурур, самимият йўқ. Вафодорлик ҳам ўткинчи ва сохтадир. Лаганбардорлар фақат ўзидан юқори тоифаларга ёки иши тушган одамларга мулозимат қилишади, бошқаларга эса менсимаслик назари билан қарашади. Уларнинг имижи фақат бирёқлама ва аслиятига мутлақо зид. Лаганбардорнинг ниқоби остидаги бадрўй турқи доим сезилиб туради.

Сиз эса раҳбарларингизга ҳам, қўл остингиздаги ходимларга ҳам бир хил муносабатда бўлиб, ўзингизнинг мағрур қиёфангизни яратмоқчисиз. Унга сохтакорлик ва сунъийлик мутлақо аралашмаган. Барча ҳаракатларингизни самимият билан адо этаяпсиз. Лаганбардорлик билан ҳақиқий имиж яратишнинг фарқи осмон билан ердек эканлигини энди сезган бўлсангиз керак.

Имиж яратишда истак ва ишончнинг ўрни алоҳидадир. Сизнинг истакларингиз имижингиз асосини шакллантиради. Ўзини чиройли деб ҳис қилган одам, қанчалик хунук бўлса ҳам, ўзгалар эътиборини жалб қила олади. Агар ўзингизни жиддийман деб ҳисобласангиз, шундай қиёфа ярата оласиз. Муҳими, сунъийликдан қочиш керак. Аввало, ўз куч-қудратингиз ва имкониятларингизга ўзингиз ишонинг, ўзингиз учун имиж яратинг ва уни бошқалар ҳам шундай қабул қилишини хоҳланг. Ишонч ҳар қандай куч ва қиёфани шакллантира олади. Бу фикр замонавий илмда исботланган ҳақиқатдир.

Ташқи қиёфангизни безайдиган нарса, аслида, косметик воситалар эмас, ўзингизга ишонч туйғуси туйфайли танангиздан тарқаладиган бионурлардир. «*Юзидан нур ёғиладиган*» инсонлар ички энергиясини бошқариш орқали бунга эришадилар.

Ташқи кўриниш 50 фоиз муваффақият гарови деган аксиомани кўпчилилик яхши билади. Ҳақиқий имиж эса 100 фоиз таъсир ўтказиш имкониятини яратади. Унга фақат ўзингизга бўлган қатъий ишонч орқали етишасиз. **Шахслараро муносабатда таъсир ўтказиш муҳим восита бўлиб, бу мақсадга эришишнинг энг мақбул йўлидир.**

Мукамал имиж инсоннинг таъсир доираси, био-энергияси ва аурасини кучайтиради. Бошқалар сизни тинглайди, ҳурмат қилади, ихтиёрий равишда бўйсунди. Сиз жамоада ҳақиқий лидерга айланасиз. Нафақат қўл остингиздаги ходимлар, ҳатто юқори поғонадаги раҳбарлар ҳам фикрларингиз билан ҳисоблашади.

Лавозимингиз, унвон ва даражаларингиз, мол-давлатингиз, илму заковатингиз эмас, балки имижингиз жамиятдаги мавқеингизни белгилайди. Шуни унутмангки, имиж нафақат шахсингиз, шунингдек, фаолият олиб бораётган ташкилотингиз ва соҳангиз хусусида ҳам тасаввурлар ҳосил қилишга хизмат қилади.

Мулоқотимиз қизишгандан билдимки, менимча, биз тил топишгандай бўлдик, бир-биримизни озми-кўпми билиб ҳам олдик. Суҳбатимиз моҳиятини ҳам англаб етган бўлсангиз керак. Ҳалиям бирга экансиз, сиз ҳақингизда ҳам муайян тасаввурларга эга бўлдим. Шу сатрларгача ўқиб келган бўлсангиз, сиз ўзингиз ва ўзгаларга бефарқ эмассиз.

Сиз билан танишганимдан ғоятда хурсандман!

Сизда ҳам имиж яратишга хоҳиш уйғонган бўлса, суҳбатимизнинг якунига қадар бирга бўлинг. Китобни охиригача иштиёқ билан ўқисангиз, ишонаманки, кўп нарсага эга бўласиз!

Сиз китобни фақат ўзингизга ёққан қисмидан бошлаб ёки қизиқарли туюлган жойинигина ўқишингиз мумкин. Бироқ ҳар қандай нарсанинг ҳақиқий гўзаллиги унинг яхлитлигида намоён бўлади. Шу боис рисоламизнинг оммавийликдан илмийликка томон силжиган жойларидан ҳам ўзингизга керакли маълумотларни топишингизга ҳеч қандай шубҳам йўқ.

КИРИШ

Инсон имижги у ҳақида доим орқасидан гапириб туради.

Эльбион Хау

Бугунги глобаллашув жараёнида жамиятдан ўзингизга муносиб ўрин топиш ва карьера қилиш учун муайян ижтимоий талабларга, маънавий-ахлоқий мезонларга риоя қилишингиз лозим. Акс ҳолда, жамият сизни чеккага суриб ташлаши, ижтимоий жиҳатдан ёлғизлатиб қўйиши мумкин. Тез суръатлар билан ривожланаётган тамаддун талабларига жавоб берадиган кадрлар учун билим ва малаканинг ўзи етарли, деб ҳисобласангиз, бироз янглишасиз. Замонавий кадрлар, аввало, маънавиятли ва маърифатли бўлиши, ахборот коммуникация технологияларини мукаммал билиши, хорижий тилларнинг бирортасини ўзлаштириши баробарида ўзига хос ва мос имижини ҳам яратиши зарурдир.

Шахснинг дастлабки кўриниши ёки ўзини тақдим қилиши бошқаларнинг у ҳақидаги тасаввурларини шакллантиради. Ижобий ёки салбий таассуротлар мажмуасидан иборат бу тасаввурлар йиғиндиси ривожланиб, муайян воситалар ёрдамида ва маълум босқичлар якунида шахс имижги яратилади. Ташқи кўриниш, нутқ, мулоқот, мимика, тана ҳаракатлари, характер каби индивидуал жиҳатлардан ташқари ишлайдиган ташкилот, лавозим, иш кабинети, унвон ва даражалар, оила аъзолари, дўстлар, ҳамкорлар, ҳатто шахсий автомобиль ва яшайдиган уй ҳам имиж шаклланишида ўзига хос ўрин тутди. Яъни бу омилларнинг ҳар бири имижнинг қайсидир қиррасини шакллантиришга хизмат қилади. Халқимиз орасида «*Дўстларинг кимлигини айтсанг, сенинг кимлигингни айтиб бераман*», деган ибора ҳам бекорга тарқалмаган.

Инсонларнинг бир-бирига бўлган муносабати, биринчи навбатда, имижги асосида белгиланади. Шахс ҳақидаги дастлабки тасаввурлар эса ташқи кўри-



Bu tanishuv parchasidir. Asarning to'liq versiyasi
<https://kitobxon.com/uz/asar/2922> saytida.

Бу танишув парчасидир. Асарнинг тўлиқ версияси
<https://kitobxon.com/uz/asar/2922> сайтида.

Это был ознакомительный отрывок. Полную версию
можно найти на сайте
<https://kitobxon.com/ru/asar/2922>